




BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



Научный вестник Бухарского государственного университета
Scientific reports of Bukhara State University


4/2022

E-ISSN 2181-1466



9 772181 146004

ISSN 2181-6875



9 772181 687004



4/2022

**PUBLISHED
SINCE 2000**
(Online since 2020)

**PUBLISHED SIX
TIMES A YEAR**

2022/4(92)

CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD:
Khamidov O.Kh.

Doctor of Economics, Professor

EDITOR-IN-CHIEF:

Zaripov G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

INTERNATIONAL EDITORIAL BOARD:

Kuzmichev N.D. (Russia)

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Danova M. (Bulgaria)

Doctor of Philology, Professor

Margianti SE. (Indonesia)

Doctor of Economics, Professor

Wünsch Th. (Germany)

History of E.Europe Dr. of phil. habil, Professor

Minin V.V. (Russia)

Doctor of Chemical Sciences

Tashkaraev R.A. (Kazakhstan)

Doctor of Technical Sciences

Muminov M.E. (Malaysia)

Candidate of Physics and Mathematics

Srivastava P.K. (India)

American and English Literature PhD in English

NATIONAL EDITORIAL BOARD:

Adizov B.R.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor
(Deputy Editor-in-Chief)

Abuzalova M.K.

Doctor of Philological sciences, Professor

Amonov M.R.

Doctor of Technical sciences, Professor

Barotov Sh.R.

Doctor of Psychological sciences, Professor

Bakoyeva M.K.

Doctor of Philological sciences

Buriyev S.B.

Doctor of biological sciences, professor

Djurayev D.R.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Durdiyev D.K.

Doctor of Physics and Mathematics, Professor

Olimov Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Kakhkhorov S.K.

Doctor of Pedagogical sciences, Professor

Umarov B.B.

Doctor of Chemical sciences, Professor

Urayeva D.S.

Doctor of Philological sciences, Professor

Rashidov O.R.

Doctor of Historical sciences, Docent

DEPUTY EDITORS-IN-CHIEF:

Navruz-zoda B.N.

Doctor of Economics, Professor

Turayev H.H.

Doctor of Historical sciences, Professor

Juraev N.K.

Doctor of Political sciences, Professor

Jumaev R.G.

PhD in Political sciences, Docent

Kuvvatova D.Kh.

Doctor of Philological sciences, Professor

Akhmedova Sh. N.

Doctor of Philological sciences, Professor

**SCIENTIFIC REPORTS OF
BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

**BUXORO DAVLAT
UNIVERSITETI ILMIY
AXBOROTI**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК
БУХАРСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА**

*The journal is published in the Bukhara
Regional Department of Press and
Information of the Press and Information
Agency of Uzbekistan on August 24, 2020
With registered certificate № 1103*

*The journal "Scientific reports of Bukhara
state university" is included in the list of
scientific publications recommended to
publish the main scientific results of
doctoral dissertations of the Higher
Attestation Commission under the
Cabinet of Ministers of the Republic of
Uzbekistan on philology and physical and
mathematical sciences.*

*The journal is intended for professors
and teachers of higher educational
institutions, senior researchers, students,
scientific staff of scientific research
institutions, teachers of academic
lyceums, professional colleges, as well as
researchers in general secondary
education and various fields.*

**Founder: BUKHARA STATE
UNIVERSITY**

Executive secretary:

Sayfullaeva N.Z.

**Doctor of Philosophy in
Pedagogical Sciences (PhD)**

Editor: Sobirova Z.R.

Department technicians:

Shirinova M.Sh.

Raximova S.M.

CONTENTS

EXACT AND NATURAL SCIENCES		
Safarov J. Sh., Juraeva M. M.	Investigation of the hyperbolic type integro-differential equation in a square by the fourier method	2
Элмурадова Х. Б.	Обратная задача для псевдопараболических интегродифференциальных уравнений	10
Nazarova S.M.	Mechanical and microaggregate composition of irrigated meadow soils of the karakul oasis	24
Turdiyev Kh. Kh., Boltaev A. A.	The problem of determining the one-dimensional kernel of the viscoelasticity system	30
Ahadov A. A.	Importance of hydrogen energy and some methods of its production	54
LINGUISTICS		
Юлдашева Д. Н.	Сукутда ички нутқнинг воқеланиши	62
Рўзиев Я. Б.	Ўзбек тилшунослигида кўчирма ва ўзлаштирма нутқнинг талқину тавсифи	68
Jurayeva Z.R.	The image of a man and a woman in russian and uzbek paroemia with a gender component	77
Rasulov Z.I.	The role of the context and situation in the formation of elliptical structures	81
Собирова З. Р.	Диалектизм ҳодисаси ва унинг инглиз тили шеваларида кўлланилиши	87
Раджабова М. А.	Ономастик бирликларнинг фразеологизмлар таркибидаги гендер хусусиятлари	92
Turdiyeva Z.T.	The influence of gender on achievement in learning english as a second language	99
Kozieva I. K.	Actual and potential indicator anthroponyms in the russian language	104
Жураев Н. Дж.	Ўзбек ва инглиз тилларидаги “тил ва нутқ” мавзуйий гуруҳидаги мақолларда синонимия, градуонимия, антонимия	112
Rahmatullayev Sh. N.	O‘zbek ertaklarida antroponimlarning lingvomadaniy asoslari	119
Ahmedov A.R., Po‘latova S. M.	Vobkent tumani shevasida so‘zning morfemik tarkibi	123
Barotova M. O.	Bosh ishtirokidagi paralingvistik vositalar xususida	128
LITERARY CRITICISM		
Temirova Dj. Kh.	The genre of “Mockery” in russian and uzbek folklore	135
Худойкулова М. А.	Мустақиллик йилларида баҳсдаги адабий-назарий муаммолар талқини	146
Jamolova Z. N., Khudoykulova M. A.	The place of the literary review in the criticism of 20 th century	151
“NAVOIY GULSHANI”		
Sayliyeva Z.R.	Ideological-artistic analysis of the 10th verse in Alisher Navoi's “Badoye ul-bidoya” collection	155
HISTORY		
Raufov I.S.	Gpp Kandym - example cooperation between Uzbekistan and Russia in the oil and gas industry	159

УЎК: 811.512.133

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА КЎЧИРМА ВА ЎЗЛАШТИРМА НУТҚНИНГ
ТАЛҚИНУ ТАВСИФИ

Рўзиев Яраш Бозорович

PhD, Бухоро давлат университети доценти
yarasch@mail.ru

Аннотация. Ўзбек адабий тилида ўзлаштирмалик нафақат синтактик, балки феъл ўзаги+ -(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -син экан, -син эмиш ва б. каби морфологик воситалар орқали ифодаланади. Ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларни бетараф, қулай ойдинлаштирувчи ва таъкидловчи матнда таҳлил қилиш орқали бу воситаларда эшитилганлик маъноси бир хил эмаслиги аниқланди. Мақолада ўзбек тилида ўзлаштирмаликни ифодаловчи морфологик воситаларнинг ўзлаштирмаликни билдирувчи синтактик воситалар билан ўзганинг нутқини ўзлаштириб баён этиши жиҳатидан ўхшашлиги, морфологик воситаларнинг синтактик воситалардан хабар манбаининг кўрсатилмаслиги ва нутқ феълларининг қўлланмаслиги билан фарқлиниши кўрсатилган.

Калит сўзлар: ўзга нутқ, кўчирма нутқ, ўзлаштирма нутқ, матн, микроматн, макроматн, муаллиф нутқи, хабар манбаи, эшитилганлик семаси, синтактик восита, морфологик восита, нутқ феъли, тил қурилиши, тежамкорлик.

ОПИСАНИЕ И ТОЛКОВАНИЕ ПРЯМОЙ И НЕСОБСТВЕННО-ПРЯМОЙ РЕЧИ
В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

Аннотация. В узбекском литературном языке косвенная речь выражается не только синтаксическим, но и с помощью морфологических средств, таких как глагол+ -(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -син экан, -син эмиш и т.д. Анализируя морфологические средства, выражающие уподобление косвенной речи в нейтральном, благоприятном, уточняющем и подчеркивающем контексте, было установлено, что значение слышимости в этих средствах неодинаково. В статье показано сходство морфологических средств выражения косвенной речи в узбекском языке с синтаксическими средствами ассимиляции в плане передачи чужой речи, а также отличие морфологических средств от синтаксических средств тем, что источник сообщения не указывается и речевые глаголы не используются.

Ключевые слова: чужая речь, прямая речь, косвенная речь, текст, микротекст, макротекст, авторская речь, источник сообщения, сема слышимости, синтаксические средства, морфологические средства, речевой глагол, языковая конструкция, экономия.

DESCRIPTION AND INTERPRETATION OF DIRECT AND INDIRECT
SPEECH IN UZBEK LINGUISTICS

Abstract. In the Uzbek literary language, indirect speech is obtained not only by syntax, but also by means of morphological means, such as the verb + -(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -син экан, -син эмиш etc. Analyzing the morphological means expressing the similarity of indirect speech in a neutral, favorable, corrective and underline context, it was found that the meaning of rumors in these means is not the same. The article shows the similarity of morphological means of expressing indirect speech in the Uzbek language with syntactic means of assimilation in terms of transferring someone else's speech, as well as the difference between morphological means and syntactic means in that the source of the message is not indicated and speech verbs are not used.

Key words: foreign speech, direct speech, indirect speech, text, microtext, macrotext, author's speech, message source, audibility seme, syntactic means, morphological means, speech verb, language construction, economy.

Кириш. Замонавий тилшуносликда ўзга нутқнинг асосан икки тури, яъни кўчирма ва ўзлаштирма нутқ (гап ёки жумла) ажратилади. Уларга бағишланган кўплаб тадқиқот амалга оширилган. Адабиётларда ҳар қайси тур алоҳида мавзу қилиб кетма-кет берилади. Бу жиҳатдан улар

бир-биридан фаркланмайди. Фарқ шундаки немис ва рус тилларида ўзга нутқ воситаларининг семантик функционал бошқача айтганда парадигматик ва синтагматик хусусияти (яъни шакли, тузилиши, мазмуни ва қўлланиши) мазкур тилларнинг қурилиши (*нем.* Вау, *рус.* строй)га тўла мос келади. Афсуски ўзбек тили ҳақида ҳам шу фикрни айта олмаймиз. Негаки замонавий ўзбек тилшунослиги ва адабий тили 20-асрнинг биринчи ярмида рус тилшунослиги асоси ва таъсирида шаклланган. Амалга оширилган тадқиқотларда асосан рус тили қурилишига хос хусусият инобатга олинади ва шу асосда тил меъёрлари белгиланиб қоидалаштирилади. Натижада айрим мавзуда ўзбек тили қурилишининг ўзига хос хусусияти акс этмайди, айрим мавзуда ифода воситаларининг барчаси камраб олинмайди, тадқиқотчининг назаридан четда қолади ва ҳоказо. Ўзга нутқ мавзуси ҳам шу сирага киради.

Асосий қисм. Маълумки шўро тузуми даврида ўзбек адабий тили грамматик ҳодисаларини тадқиқ қилишда кўп ҳолда русча қолип ва андозалар асос қилиб олинган. Шу боис *ўзлаштирмаликнинг иккинчи тури*, яъни морфологик йўл билан ҳосил бўладиган узок вақт тилшунослар эътиборидан четда қолди. Негаки бу тур ўзбек адабий тили қурилишининг ўзига хос хусусияти билан узвий боғланган.

Биринчи босқичда ўзга нутқ юқорида айтилганидек гап доирасида шаклдан мазмунга тамойили асосида тадқиқ талқин қилинади. Натижада илмий мақола, монография, рисолаларда турли даражада ёритилади [11]. Ўзлаштирмаликнинг ўзбек тили синтактик қурилишига хос-хос эмаслиги масаласида баҳслашилди [5; 8]. Мазкур ишларда ўзга гапнинг тузилиши, мазмуни ва қўлланишига нисбатан муаллифларнинг муносабати бир хил эмас. Чунончи, айрим тилшуносларнинг фикрига кўра, баъзи кўчирма гап автор гапига нисбатан мустақиллигини сақлайди. Шу боис уни боғланган қўшма гап дейиш мумкин. Иккинчи хил кўчирма гап эса автор гапини изоҳлаб келади ва унга нисбатан эргаш гап вазифасини бажаради. Бинобарин, бундай кўчирма гап эргаш гапга айланган бўлади [4, 9]. Академик Ғ. Абдурахмонов фикрига кўра, ўзлаштирмаликнинг биринчи тури зоҳиран содда, мазмунан қўшма гапга тенг келади. Шунга кўра, унда иккита фикр ифодаланади. Бу, айниқса,, ноқардош тиллар билан қиёслаганда яққол сезилади: *Китоб олганини айтди. – Он сказал, что (он) покупал книгу. – Er sagte, daß er ein Buch gekauft hat.* Ўзлаштирма гапнинг олий ўқув юрти дарслигида содда гап шаклида бўлиши эътироф этилади-ю қўшма гап баҳсида берилади [11]. Бу рус тилига тақлид оқибатидир. Чунки рус тилида ўзлаштирма гап эргашган қўшма гап шаклида бўлади.

Ўзбек тилининг 1966 йилда нашр этилган академик грамматикасида ушбу мавзу кўчирма ва ўзлаштирма гап сарлавҳаси остида берилган бўлиб проф. А.Н. Нурмахонова томонидан ёзилган [12, 490-504]. Олиманинг кўчирма гап хусусида баён қилган қуйидаги фикри диққатга сазовор. Кўчирма гапли жумла икки қисм (муаллиф гапи ва кўчирма гап)дан иборат. Кўчирма гап алоҳида грамматик қоидалар асосида тузилади. Кўчирма гапни ифодалаш учун лексик, грамматик, интонацион воситалар қўлланиб унинг ўзига хос конструкцияси бор. Кўчирма гап билан муаллиф гапи орасида узвий алоқа мавжуд. Муаллиф гапи кўчирма гапни маълум жумлага киритиб қолмасдан уни бошқа гаплардан ажратиш ҳам туради. Муаллиф гапи билан кўчирма гап бирга қўлланиши натижасида қўшма гап конструкцияси келиб чиқади. Бу конструкцияда кўчирма гап ўз мустақиллигини сақлайди; муаллиф гапи аксинча мустақилликка эга эмас. Бу ҳол, айниқса, у кўчирма гапдан ажратиш олинганда яққол сезилади [12, 495]: *Жуда тўғри қилибсан, – деб унинг сўзини бўлди чол* (Н. Сафаров).

Сўзловчи нутқининг сўзма-сўз берилишига эҳтиёж бўлмаганда деб ёзади проф. А.Н. Нурмахонова *ўзлаштирма гап* қўлланади. Ўзлаштирма гап турмушда кўп ишлатилади. Чунки ўзга гапнинг бу тури катта жумлаларни қисқартириб айтишга қулайлик туғдиради. Натижада кўчирма гап муаллиф томонидан иккинчи марта ўзгартирилади. Муаллиф биринчи марта кўчирма гапни ўз гапи ичида ўзгартирмай қўлласа иккинчи марта у кўчирма гапни гапига едириб ўз услубида қайтадан ишлаб чиқади. Бу ўзгариш натижасида кўчирма гап таркибидаги кишилиқ олмошлари берилмай, феълнинг шахс, сон категориялари кўрсатилмайди, бутун гап муаллиф номидан учинчи шахс орқали ифодаланади. Тадқиқотчининг якуний хулосаси шуки кўчирма ва ўзлаштирма гаплар коммуникатив вазифани юзга чиқарувчи воситалардан биридир [12, 504].

1976 йилда нашр этилган академик грамматикада мазкур мавзунинг талқини акад. М. Асқарова қаламига мансуб. Мавзу *кўчирма гапли конструкциялар* деб номланган [10, 457-473]. Сарлавҳа шундай номланган бўлса ҳам ўзга гапнинг учала тури назарда тутилган. Унга шундай таъриф берилади. Ўзганинг гапи маълум шахснинг фикрини автор (ҳикоя қилиб берувчи)нинг гапи орқали ифодаланишидир. Ўзганинг гапини баён қилиб берувчи автор, унинг гапи автор гапи дейилади. Гапи ифодаланаётган шахс сўзловчи ҳисобланади [10, 458].

Сўнгра кўчирма гапли қўшма гап билан қўшма гапнинг бошқа турлари орасида мавжуд бўлган ўхшаш ва фарқли томонлар баён қилинади. Масалан *автор гаписиз қолган ўзгаларнинг гапи кўчирма*

гап эмас дейилади. Бунинг изоҳи шундай. *Звонок чалинди ва дарс бошланди* гапини иккига ажратсак, маълум даражада тўла мазмун ифодаловчи, икки содда гап ҳосил бўлади. Аммо кўчирма гапни автор нутқидан ажратиб, айниқса, автор нутқини кўчирма гапдан ажратиб (... *деди раис* ёки *Раис деди* шаклида) икки алоҳида содда гап шаклида ишлатиб бўлмайди [10, 459]. Бу фикр академик В.В. Виноградов таҳрири остида нашр этилган рус тили грамматикасидаги фикрга айнан мос. Бу фикрни ўзбек бадиий насрий матн (асар)лари ҳам тўла тасдиқлармикин?

Сўнгра турли стилистик талабга кўра кўчирма ва автор гапининг ўрни ҳақида кенг маълумот берилади. Уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашуви тўрт хил бўлиши алоҳида-алоҳида баён қилинади. Назарий фикрлар бадиий насрдан олинган мисоллар билан далилланади. Таҳлилга тортишда амалий аҳамиятга молик қуйидагича хулоса чиқарилади. Кўчирма гапнинг автор гапидан кейин ёки унинг ҳар икки томонида келиши жонли тилда камроқ, адабий тилда кўпроқ учрайди. Унинг автор гапидан олдин ёки ўртасида келиши эса жонли тилда кўпроқ учрайдиган ҳодисадир [10, 467]. Диалогда кўчирма гаплар автор гаписиз берилиши мумкин. Бундай ҳолда фикр ёки гапнинг кимга қарашли эканлиги нутқ жараёнида маълум бўлади деб қуйидаги мисол берилган:

– *Дада, гўзамиз кўп зарарландими?*

– *Ҳа, қизим, кўп зарарланди. Жуда кўп зарарланди!*

– *Уни сақлаб қолиш мумкинми?*

– *Дарҳақиқат, бир вақтлар даданг дўл урган гўзани даволаган эди...* (Ш. Рашидов).

Отаю фарзанд ўртасида бўлган суҳбатда луғавий тежамкорлик зухур бўлган. Бу усул рус тилидан ўтган бўлса ҳам ўзбек тили курилишининг ўзига хос хусусиятига мос келади. Шу муносабат билан тиниш белгиларининг ишлатилишидаги нотежамкорликни бугунги кунда, истиқлол даврида ҳам давом эттираверамизми ёки ислоҳ қиламизми деган табиий савол туғилади.

Илмий грамматикада ўзлаштира гап талқинига ҳам кенг ўрин ажратилган [10, 468-473]. Унинг барча хусусияти кўчирма гап билан қиёслаб баён қилинади. Бош хусусияти ҳақида шундай дейилган. Ўзлаштира гап кўчирма гап ва автор гапининг аралаштирилиб, ёйиқ тўлдирувчи содда гапга айланган шаклидир. Ўзлаштира гапда автор гапидаги эга, кесим муносабати сақланса ҳам, кўчирма гап *содда гап* шаклига келтирилади. Яна: Кўчирма гап бирдан ортиқ содда гапдан ташкил топган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири бирикмали тўлдирувчини ташкил этади [10, 469]. Шу муносабат билан дарҳол савол туғилади. Модомики ўзлаштира гап содда гап экан нега синтаксиснинг қўшма гап қисмида берилган? Ўзимиз жавоб берадиган бўлсак рус тилининг таъсирида шундай қилинган деймиз. Чунки рус тилида ўзлаштира гап ҳам *эргаш гапли қўшма гап* шаклида бўлади.

Маълум бўладиги ўзбек тилида кўчирма гапни ўзлаштира гапга айлантириш жараёнида юқори даражада шаклий (синтактик) эврилиш рўй беради. Аниқроқ қилиб айтганда фикр ифодаловчи восита шаклан мураккаб тушунча англутувчи воситага ўзгаради. Натижада синтактик тежамкорлик зухур бўлади. Айрим ҳолда кўчирма гап ўзлаштира гапга айланганда унинг стилистик хусусияти ўзгаради. Жумладан сўзловчининг нутқ жараёнига турли муносабатини ифодаловчи сўзлар, ҳис-туйғу билдирувчи сўзлар (айрим кириш сўз, ундов ва б.) кўпинча тушиб қолади. Демак бундай ҳолларда луғавий-услубий тежамкорлик рўй беради. Шу билан бирга ундов гап, атов гап, риторик сўроқ гап ва бошқа шунга ўхшаш гапларни ўзлаштира гапга айлантириб бўлмайди [10, 469]. Бундан ўзлаштира гапнинг қўлланиши чекланганлиги англашилади.

Ўзлаштира гапнинг кўчирма гапдан энг мураккаб фарқи кишилик олмоши ва феъл кесим шахс, сон қўшимчаларининг ўзгаришидир. Шу боис илмий грамматикада улар орасидаги фарқ тўрт саҳифа [10, 470-473]да ўнлаб қоида воситасида қиёслаб берилган. Аввало кўчирма гапда *хабар* ифодаланганда ўзлаштира гапда қандай ўзгариш рўй берилишига доир қоидалар берилади. Кўчирма гапда қўлланган кишилик олмоши ўзлаштира гапда тушиб қолади деб жумладан қуйидаги мисол берилган: *Мен айтдим: (Мен) китобни ўқийман. – Мен китобни ўқишлигимни айтдим.* Ҳолбуки биринчи мисолда ҳам сўз тартиби иккинчи мисолдагидек бўлса кўчирма гапдаги кишилик олмоши тушиб қолади: *Мен китобни ўқишимни айтдим.* Бу мисолда аввало кўчирма гап кесимининг синтактик вазифаси ўзгаради яъни у тўлдирувчига айланади. Иккинчидан кесимнинг шакли ўзгаради яъни у ҳаракат номи қўшимчасини олади. Учунчидан шахс маъноси эгалик қўшимчаси асосий восита (феълнинг шахс қўшимчаси) ва битта қўшимча восита (кишилик олмоши) қўлланган. Бундан ташқари ўзлаштира гапда тўлдирувчи –*лик* қўшимчасини тежаса бўлади. Демак мисолнинг изоҳини тўлиқ дея олмаيمиз.

Қуйидаги мисолнинг изоҳи яхши. Аммо кўчирма гапда нега тиниш белгиси қўйилмаган, ўзлаштира гап содда, автор гапи ичида келган, шу боис нега бош ҳарф ишлатилган, нега ўзлик олмоши қавсга олинмаган каби саволлар туғилади [10, 471]. *Карим айтди / Мен кеч қолдим – Карим / Ўзининг кеч қолган(лиг)ини / айтди.*

Қуйидаги мисолнинг изоҳи шундай. Гарчи бундай конструкциялар кўчирма гап шаклида тузилган бўлса ҳам, улар кўчирма гап ҳисобланмайди: *Мен айтдим: “Мен кетаман”* эмас, *Мен кетаман дедим*. Мазкур мисолнинг изоҳини тушуниш учун рус тилининг академик В.В. Виноградов таҳрири остида нашр этилган илмий грамматикасига мурожаат қилиш керак.

Мазмундан сўроқ ва буйруқ англашиладиган кўчирма гаплар ўзлаштирма гапга айлантирилганда рўй берадиган ўзлаштирмалар баёни эътироз туғдирмайди [472-473].

Маълумки шўро тузumi даврида ўзбек адабий тили грамматик ҳодисаларини тадқиқ қилишда кўп ҳолда русча қолип ва андозалар асос қилиб олинган. Шу боис *ўзлаштирмаликнинг иккинчи тури*, яъни морфологик йўл билан ҳосил бўладиган узок вақт тилшунослар эътиборидан четда қолди. Негаки бу тур ўзбек адабий тили қурилишининг ўзига хос хусусияти билан узвий боғланган. Жумладан академик А.Н.Кононовнинг машҳур илмий грамматикасида [6] на морфология на синтаксисда бу ҳақда бирон бир маълумот йўқ. Айни вақтда проф. А. Ғуломов ва акад. А. Ҳожиёв томонидан феълнинг замон шакллари баҳси ва тўлиқсиз феъл мавзусида ўзлаштирмаликка хос маъно ҳақида маълумот берилган. Чунончи А. Ғуломов *-ган* шакли билдирган иш-ҳаракатни сўзловчи бировдан эшитган бўлиши мумкин деб мисол келтиради: *У борган* [11, 399]. Бундан ташқари *-(и)бди* шакли ўтган замон эшитилганлик феъли деб номланиб унинг асосий маъноси сўзловчи иш-ҳаракат бўлганлигини ўз кўзи билан кўрмай бошқа одамдан эшитганлигини ифодалашдир деб ёзади [11, 401]: *борибди – айтишларига қараганда, эшитишимча у борибди. Эмиш* формаси эса эшитилганлик маъносини ифодалаш учун ҳам ишлатилади [11, 457].

А. Ҳожиёв ҳам мазкур маъно *-ган* ва *-(и)бди* аффикси ёрдамида ясалувчи формалар орқали ифодаланишини мисоллар орқали баён қилади [14, 137]. Шу билан бирга, у тўлиқсиз феълнинг *экан*, *эмиш* формалари отга ҳам феълга ҳам кўшилишини айтиб улар орқали ифодаланадиган маъноларни кенг тавсифлайди. Жумладан, *экан* ўзи бирикиб келган сўздан англашилган нарса, ҳодиса, белгини сўзловчи ўзгандан эшитиб хабар бериши мумкин деб шундай мисол келтиради [15, 67]: *Бу бир ғариб мусофир экан, борадиган жойи йўқ экан, бирга олиб келдим* (С. Айний). Ушбу мисолда сўзловчи (асар қаҳрамони) тингловчи айтган фикрни ўзлаштириб хабар бераётганлигини ўқувчи қийналмай идрок этади. Бинобарин бу контекстнинг *экан* қўлланган қисмини ўзлаштирма гап деб атаса бўлади. Монография муаллифи тавсифида шу атама етишмайди холос. Бундан ташқари А. Ҳожиёв томонидан *эмиш* тўлиқсиз феълли, *-ган экан*, *-(а)р экан* каби замон шакллари воситасида ифодаланадиган маънолар орасида *эшитилганлик* тутган ўрин аниқланиб баён қилинган назарий фикрлар бадий адабиётдан олинган мисоллар билан далилланади.

Қисқача шарҳ сўнгида шуни айтиш жоизки юқорида исми шарифи зикр этилган олимлар жаҳон миқёсида *формал тилшунослик* деб аталадиган оқимга мансуб бўлиб *шаклдан мазмунга* тамойили ҳамда тасвирий (тавсифий) методга асосан иш кўради. Бундай ёндашувнинг гносеологик асоси интуитив материализм (эмпиризм) деб аталади.

Ўзбек тилшунослигида формал (*анъанавий*) йўналишнинг давоми сифатида *субстанциал* (формал-функционал, зотий, диалектик, структур) *морфология* [3, 61] ва *синтаксис* [2, 13] шаклланди. Тил қурилиши тадқиқига субстанциал ёндашишни проф. С.Н. Иванов бошлаб берган. У лисоний бирлик моҳиятини очишда диалектик фалсафа нуктаи назаридан ёндашади. Проф. Ҳ.Ғ. Неъматов эса субстанциал ёндашишнинг методологик асосини тасаввуфнинг зот ва тажалли ҳақидаги таълимоти билан боғлаб баён қилади. Шунга мувофиқ, тил сатҳларининг янгича, миллий моҳиятига асосланган тавсиф ва талқини ишлаб чиқилганлиги уқтирилади [3, 94-95]. Аммо ушбу йўналишга мансуб монографияда фақат ўзлаштирма гап эмас, кўчирма гапли қўшма гап ҳақида ҳам маълумот йўқ. Субстанциал йўналишнинг олий таълимга татбиғи сифатида нашр этилган дарсликда ўзлаштирма гапнинг биринчи тури ҳақида *кўчирма гапли қўшма гап* мавзусида атиги бир банддан иборат маълумотда битта мисол берилган [3, 278]: *Нодира опам бугун бизни келишларини айтдилар*.

Тилшунослигимиздаги йўналишларидан яна бирида *шаклдан мазмунга* тамойилига асосланилади-ю унинг методологияси бошқа йўналишлардан туб фарқ қилади. Тилшунос Ғ. Зикриллаев томонидан тасаввуф фалсафасининг бош манбаи бўлган Куръони каримдаги руҳ ва тил таълимоти ҳамда руҳий-ижтимоий хилқат деб қараладиган В. Ҳумболт таълимоти методологик асос сифатида қабул қилинади. Бинобарин, тил қурилишига идеалистик-материалистик дунёқараш нуктаи назаридан ёндашилади [4, 32-47].

Тадқиқот методи. Умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В. Ҳумболт халқларнинг *руҳий қуввати* (нем. *Geisteskraft*) ҳар хил бўлгани боис тилларнинг қурилиши (тузилиши, субути) ҳам бир хил бўлмайди дейди [1]. Буни аниқлашда улуғ олим қиёсий-тарихий методдан фойдаланади. Шу муносабат унинг қуйидаги фикри диққатга сазовор. Халқ руҳияти ва маърифатининг шу халқ тили

грамматик қурилишида тажаллиси (инъикоси)ни ўз тили билан бир қаторда бошқа бир неча тилни биладиган, *бу тиллар қурилишини ўз тили билан қиёслаб оладиган киши*гина туя олади. Ғ. Зикриллаев шуларни назарда тутиб ўзбек адабий тили қурилишининг ўзига хос хусусиятини белгилаш мақсадида қиёсий-типологик методга мурожаат қилади. Бунда битта феъл ва битта от ўзагини араб, рус, немис ва ўзбек тилларида қиёсий таҳлил қилади. Таҳлил натижасида ўзбек тилида лисоний бирликларнинг барчасига тежамкорлик хос, араб тилида ҳам шу хусусият устувор, немис ва рус тилларида бунинг акси деган хулосага келади. Шунга кўра ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти *тежамкорлик* деб атайди [4, 62-65].

Ана шундай тамойилларга таяниб узвли (компонент) ва контекстуал таҳлилни қўллаш, грамматик маънонинг белгиланганлик даражаси ҳамда сўз ва қўшимча маънодошлигини инобатга олиш Ғ. Зикриллаевга ўзлаштирмаликнинг иккинчи туридан айрим шаклнинг лисоний-нутқий хусусиятини бирмунча аниқ белгилаш имконини беради. Олим ўтган асрнинг 70-йилларидан мазкур шакллар орқали *эшитилганлик* маъноси ифодаланганда *ўзлаштира гап* ҳосил бўлади деб уқтириб келади. Бундай гапнинг энг кичик кўриниши феълнинг ўзак, негизига қўшимча қўшиш билан ҳосил бўлади. Демак, бундай гапнинг энг ихчам шакли бир сўздан иборатдир [4].

Мазкур ишларда кўрсатилганидек, ўзбек адабий тилида ўзлаштирмаликнинг иккинчи тури, яъни морфологик йўл билан ҳосил бўладиган ўзлаштирмалик ҳам мазмунан уч хил кўринишга эга: 1) ўзлаштира буйруқ, 2) ўзлаштира хабар (истак ва ҳоказо), 3) ўзлаштира сўроқ. Мазкур маъноларни ифодалашда қуйидаги воситалар қўлланади: *-(и)бди, -ади (-йди), -ган, -ган экан, -ган эмиш, -(а)р экан, -(а)р эмиш, -(а)ётган экан, -(а)ётган эмиш, -адиган (-йдиган) экан, -адиган (-йдиган) эмиш, -моқчи экан, -моқчи эмиш, -син экан, -син эмиш* билан ясаладиган феъл кесим шакллари ҳамда *от ва бошқа сўз туркумлари +экан, эмиш тўлиқсиз феъли* орқали ҳосил бўладиган от кесим шакллари ва б.

Тадқиқотимизда мазкур йўналишда илгари сурилган фикрларни тўлиқ эътироф этиб улардан ўрни билан фойдаланамиз. Намуна тариқасида мазкур шакллардан биттаси яъни *-(и)бди* шаклининг узвли ва контекстуал таҳлил натижасини бошқача айтганда тузилиши, мазмуни, синтактик хусусияти ва қўлланишини қисқача баён қиламиз. Ушбу шакл икки қисмдан иборат. Биринчи қисмга ўзак, негиз (ўзак+туркумлорчи қўшимча), иккинчи қисмга *хословчи¹* бошқача айтганда равишдош ясовчи ва кесимлик қўшимчалари киради. Кесимликнинг асосий унсури бўлган шахс семасига кўра уч қаторли тусланиш рўй беради. Қуйидаги жадвалда шу акс этган.

Шахс	Феълнинг ўзак, негизи	Хословчи қўшимча	Шахс, сон ва ҳурмат қўшимчаси
I			ман, миз
II	ол	(и)б	сан, санлар,
III	иш+ла		сиз, сизлар
			ди, дилар
			(и) шибди

Кўринадик *-(и)бди* шаклининг биринчи қисми икки узвли бўлиб иккинчи қисми икки ёки уч узвдан тузилади. Шаклнинг энг ихчам кўриниши уч узвли (*ол+иб+ди, ол+иб+сан*); энг катта кўриниши беш узвли (*иш+ла+иш+иб+ди*) бўлади.

Шакл мазмуний-синтактик жиҳатдан ҳам икки қисм ва бир неча узвдан тузилган. Биринчи қисм луғавий ва грамматик, иккинчи қисм фақат грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қилади. Иккинчи қисм узвлари орқали *хабар², ўтган замон, бевосита кузатмаганлик, шахс, сон, ҳурмат* семалари турли даража ёки кўринишда ифода этилади. Бу қисм кесимлик (предикативлик)ни тўлиқ шакллантириб структур-семантик тугаллик (абсолютлик)ни таъминлайди. Бу эса шакл орқали энг ихчам хабар ифодалаш учун етарли бўлади. Аммо маъноларнинг белгиланганлик даражаси турлича бўлиб нутқий мақсаду вазифа ўзгариб турганидан хабар (гап) кўпинча кенгайиб келади.

Нутқий мақсаду вазифага қараб хабар манбаи аниқ бўлиши мумкин: *Тобингиз қочипти... бизнинг бобой шунақа деб қолдилар* (А. Қаҳҳор, Синчалак). Бу мисолда ҳам ўзлаштира гап ихчам. Сўзловчининг Козимбек, тингловчининг Саида эканлиги олдинги гапдан маълум бўлади. Хабар

¹ Бу атама проф. Б. Менглиев тадқиқотларида учрайди. Жумладан қаранг: Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. Қарши, “Насаф”, 2003.

²Зикриллаев Ғ. дастлаб *реаллик* атамасини қўллади. Кейинги тадқиқотларида эса ундан воз кечиб шаклнинг модал маъносини *хабар* деб атайди. Натижада акад. А. Ҳожиевнинг *хабар майли* атамаси билан ҳамоҳанглик ҳосил бўлади.

манбаи аниқ шахс (Қаландаров) бўлиб кейинги гапда сўз бирикмаси (*бизнинг бобой*) билан ифода этилган. Бинобарин сўзловчи ўз отасининг фикрини ўзлаштириб баён қилганлиги англашилади.

Нутқий вазият тақозо қилса ўзак ва кўшимчанинг валентлиги зоҳир бўлади. Натижада ўзлаштира хабар ҳажман анча кенгайди: *Эргаиш йигитлари билан ўша кечаси Бувайдадан чиқиб кетибди. Бу хабарни бизга Али лайлак этказди* (А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар). Бу мисолда субъект (*Эргаиш*)нинг қўлланиши кўшимча валентлиги билан боғлиқ. Аниқроқ қилиб айтганда *-(и)бди* кўшимчаси яъни морфологик восита билан ифодаланган субъект нутқий вазият талаби билан луғавий восита (атокли от) ёрдамида оидинлашган. Тўлдирувчи (битта) ва ҳолнинг (иккита) ишлатилиши ўзак валентлигининг намоён бўлиши натижасидир. *Хабар манбаининг ўрни юқори мисолдагидек яъни алоҳида содда гап шаклида келган. Сўзловчи ўзга шахс (Алилайлак)нинг ўзидан эшитган иш-ҳаракат ўзлаштириб баён қилган.*

Мақсад ўзга шахснинг икки ва ундан ортиқ иш-ҳаракатини ўзлаштириб баён қилиш бўлса хабар яъни ўзлаштира дарак гап янада кенгайди: *Бироқ вофуруш Кулалани бозорда тугтиб олибди, бир-икки шاپалоқ уриб, қўлидаги учта ўроқни тортиб олибди. Кулала йиглаб келди* (А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар). Шуниси диққатга сазоворки бу мисолда ёзувчи хабар манбаи вазифасидаги гапнинг кесими сифатида нутқ феълидан фойдаланмайди. Фақат бош бўлақлардан тузилган гап орқали ёзувчи аввало хабар манбаининг субъектини аниқ кўрсатган (Кулала). Бундан ташқари кесим вазифасида танланган феълда ҳам нутқ феълнинг маъносига ишора бор ҳам субъектнинг ҳис-туйғуси намоён бўлган. Бу билан бир жиҳатдан тежамкорликка эришилади, айни пайтда ўзлаштира фикрнинг тингловчига таъсири ортади. Бу эса ёзувчининг маҳоратидан далолат беради.

Макроконтэкст таркибидаги гапларнинг ўрни, ҳажми, сўз қўллаш ва ҳоказода она тили қурилишининг ўзига хос синтактик меъёрларига катъий риоя қилинса гаплар ихчамлашиб тежамкорликка эришилади: – *Мирза Муҳиддин билан Аббосхон қамалибди. Сиёсий идора қамабди. Марказдан одам келди!* (А. Қаҳҳор, Сароб). Ушбу мисолда таъкидлаш мақсадида объект олдинга кўчирилиб субъект иккинчи гап таркибига ўтказилган. Кесим вазифасидаги айни бир феъл икки нисбатда икки марта такрорланиб иш-ҳаракат ҳам таъкидланган. Макроконтэкст охирида гап (*шу айтди*) тежалиб ихчамликка эришилган. Буларга оҳанг (ёзувда икки марта нукта, бир марта ундов белгиси) қўшилиб гапларда ифодаланган фикр аниқ воқеланиб ҳис-туйғу билан йўғрилади, олдинги ва кейинги макроконтэкстлар билан бирга ўқувчига кўзланган таъсирини ўтказди. Бинобарин коммуникатив мақсад амалга ошади.

Юқоридаги микро- ва макроконтэкстларда хабар манбаи ўзлаштира гапдан кейин келган. Нутқий мақсаду вазифа тақозо қилса хабар манбаи ўзлаштира гапдан олдин туради. Бундай ҳолда аввал нутқий амал чун муҳим (салмоқдор) ҳисобланган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида хабар берилади, кейин муайян иш-ҳаракат ўзлаштириб баён қилинади: *Шу чоқ эшик худди мушук таталагандай тақиллади-да, секин очилиб, Эшоннинг калласи кўринди. Раис Саидани айттириб юборибди* (А. Қаҳҳор, Синчалак). Ушбу мисолда хабар манбаи иккита содда гапдан тузилган, ўзлаштирмалик ифодаланган содда гап эса ихчам, нутқ феъли тежалган.

Хабар манбаи ўзлаштира гапнинг ўзида келади: *Лекин бояги аравакаш бу гапни дадамга айтибди* (А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар). Бу мисолда макроконтэкстнинг олдинги қисми билан алоқани кўрсатувчи восита учта (*лекин, бояги, бу*). Иккита сўз (*гапни, дадамга*) ўзакнинг, битта сўз (*аравакаш*) *-(и)бди* кўшимчаси валентлиги воситасидир. Мазкур сўзлар тушириб қолдирилса ҳам ўзлаштира хабар англашилаверади (*айтибди*). Нутқий амал учун унинг ўзи етарли бўлмаганидан гап кенгайиб келган. Юқоридаги микроконтэкстда хабар манбаи сўз (*аравакаш*) билан ифодаланган. Қуйидаги микроконтэкстда бу вазифани сўз бирикмаси бажаради: – *Унинг айтишига қараганда, Зуннунхўжа қулоқ қилинипти* (А. Қаҳҳор, Қўшчиноҳ чироклари). Бу мисолда олмош билан ифодаланган хабар манбаининг кимлиги аниқ эмас. Олдинги гапдан унинг бир таниш киши эканлиги маълум бўлади. Сўзловчи (Зиёрахон) ва тингловчи (Сидиқжон) ҳам олдинги микроконтэкст таркибида келганлигидан ўзлаштира гап ихчам, атиги уч сўзу икки бўлақдан иборат.

Нутқий мақсаду вазифа тақозо қилмаса хабар манбаи на макро- на микроконтэкстда аниқ ифодаланмайди. Бундай ҳолда ўқувчининг диққати ўзлаштира хабарнинг ўзига жалб қилинади: *Маълум бўлишича, Додархўжа қишлоқдан бадарга қилинибди, отқоровул уни Қўқон йўлининг ярмигача элтиб қўйибди* (А. Қаҳҳор, Ўтмишдан эртақлар).

Бундан ортиқ воқеа-ҳодиса ўзлаштириб баён қилинганда микроконтэкст кичиклик қилиши мумкин. Бундай ҳолда ўзлаштира хабар бир неча дарак гапдан иборат бўлиб макроконтэкст ҳосил бўлади. Ўзлаштира хабар ҳажман янада катта бўлиб макроконтэкст бир, икки абзац, ҳатто бир, икки саҳифани банд қилиши мумкин [4, 314].

Юқоридаги мисолларда III (ўзга) шахснинг фикри ўзлаштириб баён қилинган. Қуйидаги мисолда II шахс (тингловчи)нинг иш-ҳаракати ўзлаштириб баён этилган: – *Бизнинг бобойни жуда яхши билиб олибсиз. У кишини партия мажлисида интизомга бўйсундирибсиз. Сизни орқа қилиб, хотинлар у кишини танқид қилишибди...* Аъзамжон билан Тошкентда кўришган эдим, ўша гапириб берди (А. Қаҳҳор, Синчалак). Ушбу макроконтестда сўзловчи (Козимжон) ўзга шахс яъни отаси (Қаландаров) ҳақида бошқа киши (Аъзамжон)дан бошқа шахар (Тошкент)да эшитганларини тингловчи (Саида)га гапириб беради. Қуйидаги микромаатнда сўзловчи тингловчининг ўзидан эшитган хабарни ўзлаштириб баён қилади: *Шоҳизинда майдонида бўлиб ўтган норозиликни ўзингиз кўрибсиз* (А. Сафаров, Наврўз). Кўриниб турибдики, хабар манбаи микроконтест яъни содда дарак гапнинг ичида битта сўз (*ўзингиз*) билан ифодаланган. Қуйидаги мисол ҳам микроконтест яъни битта содда дарак гап. Аммо хабар манбаини ифодалаш учун сўз бирикмаси қўлланган. Сўз бирикмаси гап бошида келган, аниқ шахс, атоқли от билан ифода этилган. Бундан ташқари сўзловчи ўзга шахсдан иш-ҳаракатни ўзлаштириб тингловчига хабар беради: *Нормурод бойваччанинг айтишларига қараганда, Олмаотадан бинойидек тилмоч бўлиб қайтибсан* (Н. Сафаров, Наврўз).

I шахснинг коммуникатив вазифаси сўзловчи бўлганидан ўзи амалга оширган иш-ҳаракатни ўзлаштириб баён қилиш мантиққа зиддек туюлади. Аммо баъзан ўзи ҳақида ўзганинг фикрини ўзлаштириб баён қилади. Хабар манбаи II ва III шахсдагидек бўлади: *Ҳикоя қилишларича, келишимиз билан таппа ташилаб, оч-наҳор ухлаб қолибман* (Н. Сафаров, Наврўз). – *Қаердан олганингизни ҳам айтди.* – *Қаердан олибман?* – *Ўрдадан, Ўрдадаги тилла магазиндан* (Ў. Умарбеков, Ёз ёмғири). Хабар манбаи биринчи мисолда сўз бирикмаси бўлса иккинчи мисолда гап. Хабар манбаи айтилган пайтда модал сема (эшитилганлик) учун қулайлик туғдиради. Ҳақиқатан шундайлигини билиш учун мазкур воситани тушириб қолдириш керак. Бундан маълум бўладики модал сема II ва III шахсда бетараф (нейтрал) контекстда, I шахсда қулай контекстда намоён бўлади. Бетараф контекст энг кичик гап яъни *-(у)бди* шаклининг ўзи бўлса қулай контекст микро- ва макроконтест кўринишида бўлади яъни битта содда, битта қўшма ёки икки ва ундан ортиқ гапдан иборат бўлади. Бундан ташқари *-(у)бди* шаклининг модал семаси *ноқулай контекст*да чекинади. Натижада хабар майлининг бошқа айрим шакли билан маънодошлик ҳосил бўлади [4, 121-122].

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида жумладан *-(у)бди* шакли коммуникатив хусусиятининг таржимада берилиши ҳақида фикр юритилади. Шунини инобатга олиб қуйида намуна тариқасида мазкур шаклининг модал ва коммуникатив семалари намоён бўладиган контекст ва микромаатнлардан айрими таҳлилини олиб қараймиз. Олдинги тадқиқотлардан ҳам маълумки бу шакл ўзлаштира хабарни ифодалайдиган воситалардан энг кўп қўлланадигани. Таҳлилни энг кичик (минимал) контекстдан бошлаймиз: *Олибди.* (Т. Мурод, Отамдан қолган далалар, 8). Қўшимчадан феъл ўзаги англаган ҳаракатнинг ўзга шахс томонидан бажарилганлиги сезилиб турибди. Аммо хабар манбаи яъни сўзловчи уни айнан кимдан эшитиб хабар бераётганлиги аниқ эмас. Шунга кўра макроконтест ёки микромаатнга мурожаат қилишга тўғри келади. Макроконтестдан яъни олдинги гаплар (7-саҳифа)дан оқпошшо қўшини (лашкарлари) Тошкентни олганлигини аниқлайди. Айтилган пайтда сўзловчи Салоҳиддин буйруғи, тингловчи Кетмон лақабли деҳқон Жамолиддин, нутқий амал ўрни Фарғона, воқеа жойи Тошкент, воқеа вақти 19-асрнинг охириги чораги эканлигини назарда тутиб сўзловчи *-(у)бди* шакли орқали бировдан эшитган ҳаракат ҳақида хабар бермоқда.

Шунини эътироф этиш жоизки *-(у)бди* қўшимчасига хос маънолар предикативликни шакллантирганлигидан шаклининг ўзи гап деб қаралади. Унинг охирига нуқта қўйилгани эса бундай гапнинг синтактик жиҳатдан мустақил, тугал эканлигидан далолат беради. Демак бундай ҳолда гапга тугалланганлик хос. Бу хусусиятнинг ифода воситаси оҳангдир.

Юқоридаги мисол эшитилганлик семаси учун бетараф контекст вазифасини бажарган бўлса қуйидаги мисол ойдинлаштирувчи контекст вазифасида келган: *Йўлдантти.* (Ш. Бўтаев, Қайвонининг мангу макони, 314). Шу биргина сўз алоҳида абзац қилиб берилганидан ғайрилисоний омил (абзац) эшитилган хабарни ажратиб кўрсатиш учун хизмат қилади. Шу билан бирга микромаатн *эртас-қисса* деб номланганидан хабар манбаи аниқ шахс(лар) эмас, ижодкор халқ эканлиги аён бўлади.

Ўзбек адабий тилида ўзга нутқ турларининг тузилиши ҳам грамматик хусусияти ҳам таржима тиллари (немис ва рус тили)дан кескин фарқ қилади. Бу эса фақат билвосита эмас, бевосита таржимада ҳам бир қатор мураккаблик келтириб чиқаради. Кўчирма ва ўзлаштира гапнинг диалогик нутқ бошқача айтганда асар қаҳрамонлари суҳбатида қўлланишига оид мисоллардан бирини келтирамиз:

– *Биров ҳам кирмади!* – *деди аскар.*

– *Ана, ҳузурингга биров ҳам кирмабди.*

(Т. Мурод, Отамдан қолган далалар, 232).

Мисолда аввал кўчирма хабар ва муаллиф нутқи берилган. Аскарнинг фикри ўзгартирилмай, кўчириб баён қилинган. Кўчирма хабар ҳис-туйғу билан йўғрилгани учун гап охирига ундов белгиси қўйилган. Сўнгра аскарнинг фикри ўзлаштириб баён қилинган. Хабар манбаи тежалган. Ҳар қайси тур алоҳида абзацни ташкил этади. Бу билан асар муаллифи ихчам ифодаланган кўчирма хабарни ҳам ўзлаштира хабарни ҳам ажратиб кўрсатишга эришган. Тиниш белгилар (қўштирноқ, вергул)нинг тежалганлиги ҳам ўқувчида фикрнинг таъсир кучини оширишга хизмат қилади.

Муаллиф гапининг эгаси сўзловчи сифатида суҳбатда иштирок этса кесим ўзгармайди яъни аввалги мисолдагидек *-ди* шакли қўлланаверади. Аммо у ўзи бевосита кузатган эмас, бировдан эшитган иш-ҳаракатни баён қилса кўчирма гапдаги кесимнинг шакли ўзгаради яъни *-(и)бди* шакли қўлланиб ўзлаштира хабар воқеланади. Натижада контекст ўзга нутқнинг аралаш туридан иборат бўлади: *Муқаддам қишлоққа кетибди, – деди овози қалтираб. – Бутунлай кетибди.* (Ў. Ҳошимов, Баҳор қайтмайди, 247).

Аралаш ўзга гап тузилиши бошқача бўлиши мумкин: *Кейин Нагандан хат олдим. У мени кечирибди: “Келгуси йили бораман, дебди.”* (Ш. Холмирзаев, Тупроқ кўчалар, 261). Биринчи гапда хабар манбаи (Наган) ва хабарни етказиш воситаси (хат) ифодаланган. Иккинчи гап Наганнынги ўзлаштириб баён қилган фикрдан иборат. Кейин Наганнынги фикри ўзгартирилмай айнан яъни кўчирма хабар шаклида қўштирноқда берилган. Ниҳоят ўзлаштира хабар субъектининг фикри яна ўзлаштириб баён қилинган (*дебди*).

Юқоридаги макроконтэкст ўзлаштира хабарнинг морфологик восита билан ифодаланган кўриниши ва кўчирма хабардан иборат. Қуйидаги макроконтэкстда кўчирма хабар билан бирга ўзлаштира хабарнинг иккала тури ҳам ўз ифодасини топган: *Хат қисқа эди. Салом-алиқдан кейин ҳалиям сапёрлар ротасида хизмат қилаётганлигини айтибди. Охирида: “Раъно, негадир кўнглим гаши, ўзингни эҳтиёт қил, биласан-ку сени жонимдан ортиқ яхши кўраман”, дебди.* (Ў. Ҳошимов, Икки эшик ораси, 245). Ушбу макроконтэкст хабар воситаси ифодаланган гап билан бошланган. Кейинги гапдан ўзлаштираликнинг иккала тури ўз ифодасини топган. Кўчирма хабар қўштирноққа берилган бўлиб бешта гапдан иборат. Контекст ўзлаштира хабар манбаини кўрсатувчи бир сўзли гап билан яқунланган. Шуни айтиш жоизки кўчирма хабарда тиниш белгиларини ишлатишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилингани учун ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти бўлган тежамкорликка мос эмас, ислохотгалабдир.

Хулоса. Ўзбек тилида ўзлаштиралик икки усул билан ифода этилади: бири синтактик, бири морфологик. Синтактик йўл билан ҳосил бўлувчи ўзлаштираликнинг энг кичик кўриниши иккита ўзак, негизга қўшимча ёки ёрдамчи сўз қўшиш билан ясалади. Унинг бир неча андозаси бор, барчаси икки қисмдан иборат бўлади. Шулардан бири (ўзлаштира хабар)нинг биринчи қисми тўрт ёки беш узвдан, иккинчи қисми икки узвдан тузилади. Иккинчи қисм вазифасида қўлланувчи сўзнинг сони чекланган, биринчи қисмда эса морфологик восита сони чегараланган. Жумладан, келишиқ қўшимчасидан фақат биттаси ёки у билан вазифадош бўлган кўмакчи ишлатилади: *Ол + ган +и+ни айт+ди. Ол+иш+и+ни айт+ди. Ол+моқчи+лиг+и+ни айт+ди. Ол+ган+и ҳақида гапир+ди* ва ҳоказо.

Шўро даврида ўзлаштираликнинг асосан ана шу тури назарий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, олий ва ўрта таълимга татбиқ этилди, яъни қоидалаштирилиб, кодификация қилинди. Бу тур кўчирма гап билан қиёсан, у билан битта умумий сарлавҳа (ўзга гап) остида ўрганилди. Улар ҳақида докторлик ва номзодлик диссертациялари ёзилди, монографиялар чоп этилди. Ўзлаштираликнинг ўзбек тили синтактик қурилишига хос-хос эмаслиги масаласида баҳслашилди. Истиклол даврида ҳам иккала ҳодиса биргалиқда тадқиқ қилиниб, уларнинг қолипи (моделли) берилди.

Ўзлаштираликнинг иккинчи тури ўзбек тили қурилишининг ўзига хос хусусияти билан боғлиқ бўлиб, унинг энг кичик кўриниши феълнинг ўзак, негизига қўшимча қўшиш билан ҳосил бўлади. Лекин ўзлаштираликнинг бу тури махсус тадқиқ қилиниб, назарий жиҳатдан етарли асосланмаганидан бўлса керак, ҳозиргача тилшунослар томонидан етарлича ўрганилмаган.

Адабиётлар:

1. Wilhelm von Humboldt. Gesammelte Schriften. Band VII. Erste Abteilung: Werke VII. Erste Hälfte. Berlin, V. Behr's Verlag, 1907.
2. Zamonaviy o'zbek tili. II jild. Sintaksis. Toshkent. Mumtoz so'z, 2013.
3. Замонавий ўзбек тили. 1 жилд. Морфология. Тошкент, “Мумтоз сўз”, 2008.
4. Зикриллаев Ф.Н. Рух ва тил. Тошкент: Фан, 2018.
5. Иминов А. Ўзлаштира гап борми? Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1990, 3-сон.
6. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М. -Л., Изд-во АН СССР, 1960.

7. Менглиев Б. Ўзбек тилининг структур синтаксиси. Қарши, “Насаф”, 2003.
8. Назарова Х. Эски ўзбек ёзма ёдгорликларида кўчирма гапларнинг қўлланиши. Тошкент, 1959.
9. Номозов К., Йўлдошев Б. “Ўзлаштира гап борми?” мақоласини ўқиб. Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 1993, 4-сон.
10. Рўзиёв Я.Б. Немис адабий тилида ўзлаштира нутқ. 2022. https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=1-gWU48AAAAJ&citation_for_view=1-gWU48AAAAJ:W7OEmFMu1H9C
11. Ўзбек тили грамматикаси. II том. Синтаксис. - Тошкент, Фан, 1976.
12. Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. – Тошкент, Ўқитувчи, 1987.
13. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент, Фан, 1966.
14. Ҳозирги замон ўзбек тили. - Тошкент, Фан, 1957.
15. Ҳожиёв А. Феъл. - Тошкент, Фан, 1973.